

**“ЎзРТХБ” АЖ савдо майдончалари фаолиятини  
ташқил этиш тўғрисида  
Низом  
(янги таҳрири)**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 31 майдаги “Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 251-сон қарори ҳамда “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида биржа савдоларини ўтказиш Қоидалари” асосида ишлаб чиқилган ва “ЎзРТХБ” АЖ (кейинги ўринларда Биржа деб аталади) савдо майдончалари фаолиятини ташқил этиш, уларнинг фаолиятини тўхтатиш, тугатиш ва мониторинг қилиш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**электрон биржа савдолари тизими (кейинги ўринларда — ЭБСТ)** – товар-хом ашё биржаси аъзоларига республиканинг бутун ҳудудидан аниқ вақт режимида масофадан туриб биржа савдоларида иштирок этиш имконини берадиган дастурий аппарат воситалари мажмуидан иборат глобал тақсимланган ахборот тизими;

**савдо майдончаси регистратори** – Биржада белгиланган тартибда тест синовларидан ўтган ва Биржада биржа савдоларини ўтказиш натижалари бўйича битимларни (контрактларни) рўйхатга олиш (расмийлаштириш), функцияларини амалга оширувчи жисмоний шахс;

**биржа савдоси** – биржа савдолари қоидаларига асосан биржа томонидан ўтказиладиган савдо;

**савдо иштирокчилари** – Биржадан аккредитациядан ўтган биржа аъзолари.

2. Биржа савдо майдончаларининг фаолият юритиши учун методологик раҳбарликни амалга оширади ва унинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

**II. Савдо майдончаси**

3. Савдо майдончаси – савдо иштирокчиларини ЭБСТга кириши ва шартномаларни (контрактларни) рўйхатга олиши (расмийлаштириши)ни таъминлаш учун рухсат берилган жойдир. Савдо майдончаси акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ ёки юридик шахс ва Биржа филиали билан шартнома тузиш йўли билан ташқил этилади. Биржа хорижий малакатларда ҳам хорижий юридик шахслар билан Шартнома тузиш орқали савдо майдончаларини ташқил этиши мумкин.

4. Савдо майдончаларининг асосий вазифаси, савдо иштирокчиларининг ЭБСТга кириши ва битимларни (контрактларни) рўйхатга олиш (расмийлаштириш)ни таъминлаш учун кўмаклашиш ҳисобланади.

5. Савдо майдончалари савдо иштирокчиларини ЭБСТга кириши ва биржа (контрактларни) рўйхатга олиниши (расмийлаштирилиши)ни таъминлайди.

6. Савдо майдончалари, махсус тармоқ савдо майдончаси сифатида ҳам очилиши мумкин.

Махсус тармоқ савдо майдончаси алоҳида тармоқ ёки маълум корхоналарнинг эҳтиёжлари учун ташкил этилади ва савдо иштирокчиларини ЭБСТга кириши ва биржа савдоларида тузилган шартномаларни (контрактларни) рўйхатга олиши (расмийлаштириши)ни таъминлайди. Махсус тармоқ савдо майдончаси ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотларини сотиш, маҳсулотлар таннарини пасайтириш, тармоқ ҳамжамиятларини бир савдо доирасига бирлаштириш, яъни савдо иштирокчиларининг танлаган тармоқ ёки корхона доирасида ҳаракат қилишлари учун қулай шароитлар яратиш учун хизмат қилади.

7. Махсус тармоқ савдо майдончалари сони чегараланмаган ҳолда ташкил этилади.

8. Савдо майдончаларини турли вилоятларда очиш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида Биржа Бошқаруви томонидан уларни очилиш шартлари бўйича алоҳида қарорлар қабул қилиниши мумкин.

9. Савдо майдончаларини миқдори, тоифаси ва турли вилоятларда очиш тартиби Биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланади ва бу тўғрисидаги маълумотлар Биржанинг махсус ахборот порталида эълон қилинади. Шундан келиб чиқиб, савдо майдончаси очиш истагида бўлган юридик шахслар биржа филиалига зарур ҳужжатларни топширадилар ва ушбу Низомга мувофиқ Биржа билан шартнома тузадилар.

10. Биржа томонидан ўтказиладиган савдо натижалари бўйича тузилган битимларни (контрактларни) рўйхатга олиш (расмийлаштириш) фақатгина савдо майдончасининг регистратори томонидан амалга оширилади.

11. Юридик шахс савдо майдончаси очиш учун Биржа филиалига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1-иловага мувофиқ ариза;

савдо майдончасининг моддий-техник жиҳатдан Биржа талабларига мувофиқ жихозланганлиги тўғрисида 2-иловага мувофиқ маълумот;

юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

регистраторни юридик шахс томонидан ишга қабул қилинганлиги тўғрисида тасдиқланган буйруқ нусхаси.

Шу билан бирга, мазкур ҳужжатлар бир вақтнинг ўзида электрон шаклда (сканер қилинган ҳолда) ҳам тақдим этилади. Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун юридик шахснинг раҳбари жавобгар бўлади.

Тақдим этилган ҳужжатлар мажмуаси (пакети) доимий равишда филиалда сақланади ва унинг сақланиши учун жавобгарликни филиал раҳбари ўз зиммасига олади.

12. Савдо майдончаси очиш учун белгиланган тартибда тақдим этилган ҳужжатлар мажмуаси (пакети)нинг ушбу Низом талабларига мувофиқлиги филиалнинг масъул ходими томонидан ушбу ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 5 иш куни ичида ўрганилади.

13. Биржа қуйидаги ҳолларда савдо майдончасини очишни рад этади:  
тегишли тартибда расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилганда, шунингдек юридик шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Низомда ўрнатилган талабларга жавоб бермаса;

ҳудудий филиал савдо майдончаси очиш масаласини кўриб чиқишда, ҳудудларда мавжуд эҳтиёждан келиб чиқиб, савдо майдончалари фаолият юритаётган ҳудудларда қўшимча савдо майдончаларни очиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида ёзма ҳулоса билдирганда.

14. Барча ҳужжатлар ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлган тақдирда Биржа юридик шахс билан шартнома тузади, шундан сўнг савдо майдончаси очилган ҳисобланади. Биржа филиалининг масбул ходими савдо майдончасига автоматик тарзда индивидиуал идентификация рақам берган ҳолда савдо майдончаси тўғрисидаги тегишли маълумотларни савдо майдончалари реестри (registrator.uzex.uz)га киритади.

15. Савдо майдончаси очишда (Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлаштирилганлар бундан мустасно) “ЎзРТХБ” АЖ биржа аъзолари ҳамда савдо майдончалари регистраторларининг компьютер техникалари Регламентига мувофиқ ҳисобга қўйиш жарёнидан ўтади.

16. Савдо майдончасини Биржанинг ЭБСТга улаш Марказий банк каналига йўл (линия) ажратилгандан кейин амалга оширилади, хизмат бўйича тўлов миқдори ва тартиби Кузатув кенгашининг алоҳида қарори билан белгиланади. Биржанинг хорижий давлатларда жойлашган савдо майдончаларидаги ЭБСТга уланиш интернетнинг VPN канали орқали амалга оширилади.

17. registrator.uzex.uz электрон манзили модулида ҳосил бўлган битимларни рўйхатга олиш (расмийлаштириш) савдо майдончаларида фақатгина тузилган битимлар рўйхатга олиш китоби асосида амалга оширилади. Биржа битимларини расмийлаштириш тартиби ЎзРТХБда биржа савдолари Қоидалари билан белгиланади.

18. Савдо майдончалари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, ушбу Низом, Шартномалар ва Биржанинг бошқа меъёрий ҳужжатларига амал қилади.

### **III. Шартнома тузиш**

19. Шартнома кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда савдо қатнашчиларига қулай шароит яратиш мақсадида тузилади.

20. Шартнома унинг томонларига нисбатан қуйидаги мажбурий шартлар ва талабларни ўз ичига олиши шарт:

томонларнинг номи ва юридик манзили;

томонлар фаолиятини тартибга солувчи ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар (Устав, Низом ва ҳ.к.);

шартнома предмети, баҳоси ва муддати;

томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги.

Шартнома шунингдек қонун ҳужжатларига назарда тутилган ва томонларнинг келишуви билан бошқа шартлар ва талабларни ўз ичига олиши мумкин.

### **IV. Савдо майдончаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

21. Савдо майдончаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Биржа савдоларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Биржадан олиш;

Савдо майдончалари фаолияти билан боғлиқ ўтказиладиган маслаҳатлашувлар, тақдимотлар, семинарларда иштирок этиш;

Савдо майдончаларни очиш тартиби ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан Биржага таклифлар киритиш;

Савдо майдончалари қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

22. Савдо майдончаси қуйидагиларга мажбур:

савдо иштирокчиларига, шу жумладан пуллик асосда, савдо майдончалари биноларида ўрнатилган компьютерлари орқали савдога кириш ҳуқуқини беришга;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳужжатлари талаблари, ушбу Низом ва Биржанинг бошқа меъёрий ҳужжатларига, биржа қоидаларига, шунингдек шартнома доирасида қабул қилинган мажбуриятларга риоя қилишга;

сотувчи брокерлардан етказиб берилган товарлар бўйича ҳисобварақ-фактура ва/ёки юк хатларини (накладная) қабул қилиш ва етказиб бериш ҳужжатлар реестрини (кейинги ўринларда – ЕБХР деб юритилади) кейинчалик Ҳисоб-китоб-клиринг палатасига (кейинги ўринларда ҲККП деб юритилади) тақдим этиш мақсадида Биржа филиалига етказишга;

Шу жумладан, махсус савдо майдончалари сотувчи брокерлардан етказиб берилган товарлар бўйича ҳисобварақ-фактура ва/ёки юк хатларини (накладная) қабул қилишлари, текширишлари ва ЕБХР ни тўғридан тўғри ҲККПга тақдим этишлари;

ҳар ойнинг бешинчи санасига қадар ЕБХР юзасидан барча ҳисобварақ-фактура ва/ёки юк хатларини (накладная) биржа филиалининг ҲККП бўйича масъул шахсига етказишга;

ҳар ҳафтада ҲККПга тақдим этиладиган барча ҳужжатлар ва хатларни ҳудудий савдо майдончаси жойлашган ҲККП филиалининг масъул ходимига топширишга;

юрidik шахслар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлардаги имзолар ва муҳр намуналарини Биржанинг ЭБСТги мавжуд ҳужжатларга мувофиқлигини синчковлик билан текширишга;

Биржа томонидан қабул қилинган логотип ва Биржанинг бошқа фирма услублари элементларидан фойдаланишга;

савдо иштирокчиларига Биржанинг ЭБСТга киришини техник тўхталишларсиз ишлашини таъминлашга;

ушбу Низом талабларига жавоб берадиган регистратор штатига эга бўлишга; биржа томонидан ўрнатилган тартибда ўз фаолияти юзасидан ҳисоботларни тақдим этишга;

савдо иштирокчилари (уларнинг мижозлари)нинг ариза ва мурожаатларини рўйхатга олиш, улар бўйича алоҳида ҳисобот юритиш;

биржа филиали, зарур ҳолларда Биржанинг Марказий аппарати билан шу жумладан корпоратив чатда мажбурий тарзда иштирок этиш йўли билан ҳар кунлик алоқада бўлишини қўллаб-қувватлаш;

“ЎзРТХБ” АЖ биржа аъзолари ҳамда савдо майдончалари регистраторларининг

компьютер техникалари Регламенти талабларига риоя этишга;

биржа томонидан рухсат берилмаган дастурларни ўрнатилишини олдини олиш мақсадида савдо майдончасидаги ҳисоб техникалари ва компьютер техникаси стикерларини сақланиши ва эксплуатация қилиниши бўйича назоратни амалга оширишга;

брокерлик идораларининг фаолияти тугатилганлиги ёки компьютерларнинг носоз бўлганлиги муносабати билан брокерларнинг компьютерларини ҳисобдан чиқариш ҳақида Биржанинг ЭБСТга хизмат кўрсатувчи таркибий тузилмаларини ўз вақтида ёзма равишда хабардор қилишга;

битимларни (контрактларни) рўйхатга олиш ҳисобини алоҳида битимларни рўйхатга олиш журналларида юритиш лозим. Журналлар муҳрланган, варақлари эса рақамланган бўлиши шарт.

Биржадан рўйхатдан ўтмаган ҳисоб техникалари ва компьютер техникасини савдо майдончалари ҳудудида бўлишига рухсат бермасликка;

регистраторнинг яшаш жойи ёки паспорт маълумотлари ўзгаргани тўғрисида бундай ўзгаришлар бўлган кундан бошлаб бир ҳафталик муддатда Биржани хабардор қилишга;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тақдим этиладиган алоқа канали учун ўз вақтида Биржанинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган тариф асосида Биржа ҳисобига ўз вақтида тўловни амалга ошириш (Вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида жойлашган савдо майдончалар учун). Бунда, махсус ихтисослаштирилган майдонча тадбиркорлик субъектлари ва шу турдаги мижозлари тўғрисидаги маълумотлар баъзасини Биржага тақдим қилиши лозим;

Мижозларни аккредитациядан ўтказиш модулига рухсат беришда савдо майдончаси бир ҳафтада камида бир маротаба филиал ХКП ходимиغا ҳужжатларни асл нусхаларини тақдим этиши шарт.

23. Биржа битимларини рўйхатга олишда савдо майдончаси Биржа аъзолари ўз мижозлари номидан операцияларни амалга ошираётганда ушбу мижоз томонидан биржа товарини сотиб олиш ваколатини тасдиқловчи ҳужжатларга (визуал, аслини ёки нусхасини талаб қилиб олмасдан) эга эканлигига тўғрисида ҳам ишонч ҳосил қилиш шарт. Ушбу хатбошида назарда тутилган тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлигига ишонч ҳосил қилишнинг имкони бўлмаган тақдирда (масалан, биржа аъзоси тегишли ҳужжатларни кўрсатишни рад этса ёки бош тортса), савдо майдончаси бу ҳақда зудлик билан Биржани хабардор қилиши шарт.

24. Савдо майдончаси қонунчилик ҳужжатларида ва биржа билан тузиладиган шартномаларда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

25. Ушбу Низом ва шартномада назарда тутилган савдо майдончасининг мажбуриятлари бажарилиши бўйича жавобгарлик юридик шахснинг раҳбари ва савдо майдончаси регистратори зиммасига юклатилади.

26. Йўл қўйилган ножўя хатти ҳаракатлар учун савдо майдончасининг фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш бўйича қўлланиладиган жазо чоралари ушбу Низомнинг V бўлимда кўрсатилган.

## **V. Савдо майдончалари фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш**

27. Биржа Бошқаруви томонидан савдо майдончаси фаолиятини тугатиш ҳақидаги қарор Биржа таркибий тузилмалари раҳбарларининг билдиришномаси ёки юридик шахснинг аризасига асосан қабул қилинади.

28. Савдо майдончаси фаолиятини тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:  
юридик шахснинг ихтиёрий равишда берган аризаси;

қонунчилик ҳужжатлари, ушбу Низом ва шартнома талаблари ва шартларининг бузилиши;

савдо майдончасининг олти ой мобайнида фаол бўлмаганлиги (битимлар рўйхатдан ўтмаганлиги);

суднинг қарори.

29. Савдо майдончасининг фаолияти ушбу Низомнинг 28-бандида назарда тутилган ножўя ҳатти-ҳаракат учун тугатилган бўлса, икки йил мобайнида қайта очилишига йўл қўйилмайди.

30. Савдо майдончасининг фаолияти Биржа Бошқаруви томонидан савдо майдончаси фаолиятини тугатиш ҳақида қарор қабул қилинган пайтдан тугатилади. Савдо майдончаси фаолиятининг тугатилганлиги (фаолият кўрсатмаётган савдо майдончалари реестри) тўғрисидаги маълумот Биржанинг махсус ахборот порталида жойлаштирилади.

31. Савдо майдончаси фаолияти тугатилгандан сўнг Биржанинг ЭБСТга хизмат кўрсатувчи таркибий тузилмаси савдо майдончасининг ЭБСТга кириш ҳуқуқини ўчириб қўяди. Филиалнинг масъул ходими савдо майдончасини жойлашган жойга чиқиб, стикерлар аҳволи ва уларни ҳисобдан чиқариш ҳақида далолатнома тузади. Биржа марказий аппаратининг масъул ходими Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш маркази бошқармасини савдо майдончаси фаолияти тугатилганлиги ҳақида хабардор қилади.

32. Агар савдо майдончаси регистраторининг фаолияти тугатилган, ёки у билан тузилган шартнома бекор қилинган бўлса, юридик шахснинг аризасидан сўнг савдо майдончасининг фаолияти вақтинчалик тўхтатилади. Савдо майдончасининг фаолияти, юридик шахс томонидан тегишли малака тестини топширган, маълумотлари савдо майдончаларининг ваколатли регистраторлари реестрига киритилган регистратор ишга қабул қилинганлиги ҳақидаги буйруқ нусхаси юборилгандан сўнг қайта тикланади.

Мазкур Низомнинг 39-бандида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари бошқа ҳолларда савдо майдонча фаолияти вақтинча тўхтатилмайди ва алоқа канали линияси учун тўлов тўлиқ миқдорда олинади.

33. Юридик шахснинг номи, унинг туман масштабида маъмурий жойлашуви (дислокация) ўзгарган ҳолларда, юридик шахс бундай ўзгаришлар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб бир ҳафта ичида қайта расмийлаштириш учун ўзгартиришларни тасдиқловчи тегишли ҳужжат билан бирга Биржа филиалига тақдим этиши шарт.

Ушбу маълумот Биржанинг махсус ахборот порталида жойлаштирилади.

34. Ўзгартиришлар қайта расмийлаштирилгунга қадар савдо майдончаси дастлаб тузилган шартнома асосида ўз фаолиятини юритади.

35. Юридик шахснинг 33-бандда назарда тутилган ўзгартиришлар ҳақида

Ўз муддатида хабар бермаслиги, савдо майдончаси фаолиятини тугатиш учун асос бўлади. Ушбу бандда назарда тутилган ҳоллардан ташқари қайта расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

36. Савдо майдончасининг регистратори алмашган ҳолларда юридик шахс Биржа филиалига тегишли хабарни юборади. Регистратор ишдан бўшатиш пайтдан бошлаб ва янги ишга қабул қилинган регистраторнинг маълумотлари савдо майдончаларининг ваколатли регистраторлари реестрига киритилгунга қадар, савдо майдончаси битимларни рўйхатга ололмайди (расмийлаштира олмади). Савдо майдончасининг ҳужжатлари қайта расмийлаштирилганда, ҳудудий филиал Биржа савдоларини ташкил этиш бошқармаси (кейинги ўринларда – маклериат) билан биргаликда қайта расмийлаштириш учун ариза тақдим этилган кундан бошлаб 2 кун ичида савдо майдончалар реестрига тегишли ўзгартиришларни киритади.

37. Савдо майдончасининг регистратори алмашган ҳолларда юридик шахс Биржа филиалига тегишли хабарни юборади. Регистратор ишдан бўшатиш пайтдан бошлаб ва янги ишга қабул қилинган регистраторнинг маълумотлари савдо майдончаларининг ваколатли регистраторлари реестрига киритилгунга қадар, савдо майдончаси битимларни (контрактларни) рўйхатга ололмайди (расмийлаштира олмади).

38. Савдо майдончаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг линия канали учун тўлов муддатларига риоя этилмаган ҳолларда, жорий ойнинг биринчи иш кунинда бухгалтерия масъул ходими ўчириш сабабларини кўрсатган ҳолда [registrator.uzex.uz](http://registrator.uzex.uz) электрон модулдан савдо майдончасини ўчиради. Ахборот технологиялар бўлими бир иш кунинда савдо майдончасини биржа савдоларига қатнашиш тизимдан ўчиради.

Жорий ойнинг 10-санасига қадар тўлов ўтказилган тақдирда, бухгалтерия масъул ходими савдо майдончасини [registrator.uzex.uz](http://registrator.uzex.uz) модулига улайди. Ахборот технологиялар бўлими 1 иш кунини мобайнида савдо майдончасини Биржа савдолари тизимга улайди.

Агар жорий ойнинг 10-санасига қадар тўлов тўланмаса, биржа Марказий аппарат масъул ходими 3 иш кунини мобайнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Ахборотлаштириш маркази бошқармасига савдо майдончалар рўйхатини илова қилган ҳолда ЎзРесМБ алоқа линия каналидан ўчириш туғрисида хат юборади.

Савдо майдонча жорий ойнинг 10-санасидан кейин тўловни амалга оширган тақдирда, бухгалтерия масъул ходими бир иш кунини мобайнида савдо майдончасини [registrator.uzex.uz](http://registrator.uzex.uz) модули орқали тизимга улайди, шу билан бирга биржа Марказий аппарат масъул ходими жорий ойнинг охиригача санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Ахборотлаштириш марказига савдо майдончаларини кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб Марказий банкнинг алоқа линия каналига улаш туғрисида хат юборади.

## **VI. Савдо майдончаси регистратори**

39. Регистратор мақомини олиш талабгорларига малака тести ва суҳбатдан муваффақиятли ўтган тақдирда, биржа савдоларида тузилган битимларни рўйхатга олиш (расмийлаштириш) ҳуқуқини берувчи регистратор мақоми тақдим этилади.

40. Савдо майдончаси регистратори мақомини олишга талабгор умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ёки олий таълим маълумотга эга бўлиши лозим.

41. Савдо майдончаси регистратори Биржанинг ЭБСТда тузилган битимларни ушбу Низомнинг 3-сонли иловасида белгиланган намуна талабларига риоя қилиниб тайёрланган штамп (кейинги ўринларда - штамп деб юритилади) билан тасдиқлаган ҳолда рўйхатга олиш (расмийлаштириш) ҳуқуқига эга. Штампдан фақатгина савдо майдончасининг регистратори фойдаланади, уни учинчи шахсларга бериш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини учинчи шахсларга бериш тақиқланади. Штампдан белгиланган тарзда фойдаланиш ва унинг сақланишини таъминлаш учун регистратор жавобгар бўлади.

42. Регистратор қуйидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талаблари, ушбу Низом ва Биржанинг меъёрий ҳужжатларига риоя қилишга;

савдо майдончаси регистратори сифатида ўзининг функционал мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажаришга;

савдо майдончаси регистратори сифатида фақатгина битта савдо майдончасида фаолият кўрсатишга;

савдо майдончаси фаолияти бўйича ҳисоботларни тайёрлашга;

яшаш жойи ва паспорт маълумотларига ўзгартириш киритилган тақдирда, бундай ўзгартиришлар ҳақида ўзгаришлар бўлган пайтдан бошлаб бир ҳафта ичида биржани хабардор қилишга;

Биржа бошқаруви томонидан тасдиқланган малака ошириш дастури асосида регистратор мақомини олган йилнинг кейинги йилидан бошлаб ҳар йили малака ошириш курсларида ўз малакасини оширишга.

43. Савдо майдончасининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари регистратор томонидан амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда, у ўз мажбуриятларини қонун ҳужжатлари, шартнома, биржанинг меъёрий ҳужжатлари ва ўзининг мансаб йўриқномаларига мувофиқ амалга оширилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

## **VII. Савдо майдончаси регистратори мақомини олиш учун талабгорларни тест синовларидан ўтказиш тартиби**

44. Регистратор мақомини олиш икки босқичда амалга оширилади:

1- босқич – тест синовлари;

2- босқич – биржа комиссияси билан суҳбат.

Талабгорлар биринчи босқичида тест синовларини муваффақиятли топширганларидан сўнг, иккинчи босқичга ўтказилади.

45. Тест синовлари биржанинг ҳудудий филиали биносида тест синовини ўтказишга мослаштирилган ҳамда махсус кузатув камералари ўрнатилган хонада маклериат томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади. Тест синовлари жараёнини ташкил этиш ва бевосита назорат қилиш масъулияти ҳудудий филиал зиммасига юклатилади.

*(45-банд “ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2025 йил 29 январдаги баённомаси таҳририда)*

46. Тест синовларидан ўтиш учун талабгор, тест синовлари ўтказилиши белгиланган кундан 3 кун олдин Биржага қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:

эркин шаклдаги ариза;



умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим маълумоти тўғрисидаги ҳужжат

фуқаролик паспорти, идентификация ID-картаси;

2 дона расм (3x4);

Ушбу ҳужжатлар бир вақтнинг ўзида электрон шаклда ҳам берилади. Ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун талабгор жавоб беради. Топширилган ҳужжатлар жилди филиалда сақланади ва унинг сақланиши учун филиал раҳбари жавоб беради.

47. Ҳужжатлар ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлса, филиалнинг масъул ходими талабгорга оид тегишли маълумотларни, шу жумладан электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар жилдини Биржанинг махсус ахборот порталига киритади.

48. Тест синовлари маклериат томонидан тасдиқланган жадвал асосида Биржанинг ҳудудий филиали биносида ўтказилади. Талабгорни тест синовларидан ўтказиш, Биржанинг махсус ахборот порталидаги тест блокида амалга оширилади. Талабгор тест синовларига шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси (фуқаролик паспорти, идентификация ID-картаси ёки ҳайдовчилик гувоҳномаси кабилар) тақдим этган ҳолда киритиладилар. Паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати бўлмаган ёхуд тест синовларига кечикиб келган талабгор тест синовларига келмаган ҳисобланади ва кейинги ўтказиладиган тест синовларида қатнашадиган талабгорлар рўйхатига киритилади. Тест синовларини топшириш жараёнида белгиланган вақт доирасида улгурмаган талабгор тест синовларидан ўтмаган ҳисобланади.

*(48-банд “ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2025 йил 29 январдаги баённомаси таҳририда)*

49. Тест синовлари вақтида талабгорларга қуйидагилар тақиқланади:

Қонун ҳужжатлари, бошқа қўлланмалар, луғатлар ва махсус адабиётлардан фойдаланиш;

тест синовларини топшираётган бошқа талабгорларга ҳалақит қилиши мумкин бўлган шовқин солиш ёки гаплашиш;

тест синови вақтида ҳар қандай ҳисоблаш техникаси, электрон қайд дафтарлари, электрон таржимонлар, мобил алоқа воситалари ёки бошқа ҳар қандай электрон курилмалардан фойдаланиш;

тест синовларини яқунланмасдан туриб хонани барвақт тарк этиш.

Хонани тарк этган шахслар тест синовларини давом эттириш учун қайта киритилмайди. Ушбу талабларга риоя этмаган талабгорлар аудиториядан чиқариб юборилади ва тест синовларидан ўтмаган ҳисобланади. Тест синовлари пайтида бегона шахсларнинг ҳозир бўлишига рухсат берилмайди.

Тест синовларининг ўтиш жараёни Маклериат ходимлари томонидан бевосита ва Комплаенс-назорат ва ахборот хавфсизлиги Бош бошқармаси томонидан ахборот технологиялари (кузатув мосламалари) ёрдамида назорат қилинади.

50. Тест синови учун 60 дақиқа вақт ажратилади. Тест синови даврида ҳар бир тестдан ўтувчига 60 та савол берилади. Ҳар бир савол бир балли тизимда баҳоланади. Максимал балл 60 баллни ташкил этади. Ажратилган вақт якунига етганида, тест синови автоматик равишда тўхтатилади ва натижаси экранда кўрсатилади. Тест синовлари натижаларини қониқарли деб топиш учун берилган саволларининг камида 33 тасига тўғри жавоб берилган бўлиши керак.

*(50-банд “ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2024 йил 27 декабрдаги баённомаси таҳририда)*

51. Иккинчи босқич суҳбат шаклида ўтказилади. Суҳбат босқичи ҳудудий филиаллар томонидан ташкил қилинган савдо майдончалари регистраторларини суҳбатдан ўтказиш комиссияси ҳузурида (кейинги ўринларда — комиссия) бевосита ёки видеоконференция мосламалари орқали ўтказилади.

*(51-банд “ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2025 йил 29 январдаги баённомаси таҳририда)*

52. Комиссия таркиби биржа бошқаруви томонидан тасдиқланган намунавий таркиб асосида камида беш нафар аъзодан, шу жумладан, комиссияси раиси, раис ўринбосари, аъзолари ва котибидан иборат таркибда шакллантирилади.

Комиссия:

талабгорнинг мутахассислиги ва фаолияти бўйича қисқача ахборотни тинглайди; суҳбатдан ўтадиган талабгорга саволлар ёки ҳолатга доир топшириқ беради, унинг жавоблари натижалари бўйича очиқ овоз беришни ўтказди; суҳбат натижаси бўйича талабгорга баҳо беради; суҳбатдан ўтган талабгор фаолиятини яхшилаш бўйича тавсиялар беради; суҳбатдан ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади.

Суҳбат комиссияси йиғилиши унинг ишида комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

суҳбат жараёни аудио ва видеоёзувларда қайд этиб борилади. Бунда талабгорга 5 та савол берилади ва талабгорнинг ихтиёрига қараб тайёрланиш учун 15 дақиқа вақт ажратилади.

Талабгорнинг ҳар бир саволга жавоби комиссия аъзоларининг томонидан қониқарли ёки қониқарсиз деб баҳоланади.

Суҳбат якунида комиссия оддий овоз бериш йўли билан талабгорга баҳо беради. Овозлар тенг келган тақдирда, комиссияга раислик этувчининг овози ҳал этувчи бўлиб ҳисобланади ва талабгорга суҳбат натижалари эълон қилинади.

Суҳбатдан ўтиш жараёнида талабгорга қуйидагилар тақиқланади: қонунчилик ҳужжатлари ва йўриқнома материаллар, ахборотномалар ва махсус адабиётлардан фойдаланиш;

мобил алоқа воситаси ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш;

бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш;

суҳбат ўтказилаётган хонасидан ташқарига чиқиш.

Ушбу талабларни бузган талабгорлар суҳбат ўтаётган хонадан чиқариб юборилади ва суҳбатдан ўтмаган ҳисобланади.

Талабгорга қайта суҳбатдан ўтиш санаси ҳақида суҳбат натижаларидан сўнг дарҳол эълон қилинади.

Талабгорларни суҳбатдан ўтказиш камида бир ойда бир мартаба ўтказилади.

Кузатувчи сифатида иштирок этадиган ходимларидан бошқа бегона шахсларга суҳбатда иштирок этишга рухсат берилмайди.

*(52-банд “ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2025 йил 29 январдаги баённомаси таҳририда)*

53. Талабгор тест синовларидан ва суҳбатдан муваффақиятли ўтган тақдирда, у ҳақидаги маълумотлар регистраторларнинг реестрига киритилган ҳолда унга регистратор мақоми берилади.

54. Биржа савдолари тизимига кириш учун регистраторга шахсий логин Ахборот дастурларига хизмат кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан берилади.

55. Регистраторга регистратор сифатида фаолият юритиш ҳуқуқи уч йил муддатга берилади. Регистраторлик мақоми муддатини узайтириш регистраторни тест синовларидан ва суҳбатдан ўтказиш йўли билан ушбу Низомда кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

56. Регистратор савдо иштирокчиси бўлиши мумкин эмас.

57. Регистраторлик мақомидан маҳрум қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:  
регистратор томонидан ихтиёрий равишда ариза берилганда;  
регистратор томонидан қонун ҳужжатлари, ушбу Низом, Биржанинг меъёрий ҳужжатлари талаблари бузилганда;  
логин, пароль, штампдан етарлича фойдаланмаганлиги, уларни сақлашда назоратнинг йўқлиги фактлари аниқланганлиги тўғрисидаги Бошқарув қарори;  
суд қарори.

58. Регистратор ўз мақомидан бу ҳақда Биржа бошқаруви қарор қабул қилинган кундан бошлаб маҳрум бўлади. Ушбу маълумот Биржанинг махсус информацион порталида жойлаштирилади.

59. Ушбу Низомнинг 57-бандида назарда тутилган ножўя ҳатти-ҳаракат учун регистратор мақомидан маҳрум қилинган жисмоний шахслар регистраторлик мақомини қайта олиш учун икки йил мобайнида тест синовларига қўйилмайдилар.

### **VIII. Савдо майдончалари ва регистраторларнинг реестрлари**

60. Биржа савдо майдончалари ва регистраторларнинг ягона реестрини юритади.

61. Савдо майдончаларининг ягона реестрида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили ва телефон рақамлари;

савдо майдончаси рақами;

қайта расмийлаштириш асоси ва санаси;

фаолиятни тугатилишининг асоси ва санаси;

ушбу Низомнинг 65-бандига асосан савдо майдончаси регистратори тўғрисидаги маълумотлар.

62. Савдо майдончалари тўғрисидаги маълумотлар савдо майдончалари реестрига киритилгандан сўнг, ҳудудий филиал томонидан савдо майдончаларининг компьютер(лари)ини ҳисобга қўйиш учун бир кунлик муддат ичида Биржанинг ЭБСТга хизмат кўрсатувчи таркибий тузилмасига тегишли маълумотлар берилади.

63. Регистраторларнинг Ягона реестрида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, прописка бўйича почта (яшаш) манзили, телефон рақами;

регистратор мақоми берилган сана, қайта расмийлаштирилган сана ва асоси;  
регистратор мақоми тугатилган санаси ва асоси.

64. Савдо майдончалари ва регистраторларнинг реестрларидаги мавжуд маълумотлар ҳудудий филиал масъул ходими томонидан Биржанинг веб-сайтига жойлаштирилади ва барчанинг танишиши учун очик ҳисобланади.

## **IX. Савдо майдончалари фаолиятининг мониторинги**

65. Савдо майдончалари томонидан қонун ҳужжатлари, мазкур Низом, Биржанинг меъёрий ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан мониторинг, Биржа филиаллари ва маклериат томонидан ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади. Зарур ҳолларда Биржа Бошқаруви томонидан савдо майдончаларини ҳисобга олиш ва мониторингни амалга ошириш шакллари ўрнатилиши мумкин.

66. Савдо майдончалари ҳар чорак якуни бўйича кейинги ҳисобот чорагини биринчи ойининг бешинчи санасига қадар Биржанинг ҳудудий филиалларига ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар бўйича қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олган маълумот топширишлари шарт:

савдо майдончасининг моддий техник жиҳатдан талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи имзо ва муҳр қўйилган ҳолда ҳужжат (ушбу Низомнинг 2-сонли иловасига мувофиқ);

“ЎзРТХБ” АЖ биржа аъзолари ҳамда савдо майдончалари регистраторларининг компьютер техникалари Регламентига мувофиқлигини тасдиқловчи имзо ва муҳр қўйилган ҳолда ҳужжат;

савдо майдончасида рўйхатга олинган битимлар бўйича ҳажм кўрсаткичларининг кўпайганлиги ёки пасайганлиги сабабларининг таҳлили;

қўшимча ҳажмларни жалб қилиш бўйича кўрилган чоралар (янги миқдорларни жалб қилиш ва савдо позицияларини кўпайтириш бўйича маълумотлар).

67. Ҳисобот юридик шахс раҳбари ва регистратор томонидан имзоланади ва юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланади. Маълумотларни белгиланган муддатда тақдим қилмаслик савдо майдончаси ва регистраторнинг фаолиятини тугатиш учун асос бўлади.

68. Биржанинг ҳудудий филиаллари барча савдо майдончалари бўйича тақдим қилинган маълумотларни умумлаштиради ва уни ҳисобот чораги кейинги ойининг ўнинчи санасига қадар маклериатга электрон шаклда юборади. Маклериат Биржанинг барча филиаллари бўйича материалларни умумлаштириб, аналитик ҳисоботни кўриб чиқиш учун ҳисобот чораги кейинги ойининг ўн бешинчи санасига қадар Биржа Бошқарувига тақдим этади.

## **X. Якуний қоидалар**

69. Савдо майдончалари улар ҳудуд бўйича жойлашган Биржанинг ҳудудий филиаллари олдида ҳисобдордирлар.

70. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган савдо майдончалари Маклериат олдида ҳисобдордирлар.

**Савдо майдончасини очиш тўғрисида**

**АРИЗА**

Ушбу орқали Сиздан \_\_\_\_\_ (савдо майдончаси тури) юридик шахснинг куйидаги атрибутларни ўз ичига олган савдо майдончаси очиш тўғрисида шартнома тузишингизни сўрайман: \_\_\_\_\_

Юридик шахснинг номи: \_\_\_\_\_

Юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли: \_\_\_\_\_

Юридик шахсни тартиб рақами, давлат рўйхатига олиш ҳақидаги гувоҳномасининг санаси рақами: \_\_\_\_\_

Юридик манзили \_\_\_\_\_

Савдо майдончасининг юридик манзили: \_\_\_\_\_

Хизмат кўрсатувчи банк номи ва банк реквизитлари:

х/р: \_\_\_\_\_ МФО: \_\_\_\_\_

Банк: \_\_\_\_\_

СТИР (юридик шахснинг): \_\_\_\_\_

Юридик шахс раҳбарининг ФИО: \_\_\_\_\_

Савдо майдончаси регистраторининг ФИО: \_\_\_\_\_

Регистраторнинг тест синовларидан ўтган санаси ва рақами: \_\_\_\_\_

Регистратор мақоми берилган сана: \_\_\_\_\_

Регистраторни ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ рақами ва санаси \_\_\_\_\_

СМ регистраторининг имзоси намунаси: \_\_\_\_\_

СМ раҳбари раҳбарининг контакт маълумотлари \_\_\_\_\_

СМ регистраторининг контакт маълумотлари \_\_\_\_\_

почта: индекси: телефон: e-mail

Уй манзили: \_\_\_\_\_

*Савдо майдончасига берилган рақамм*

*Филиалнинг масъул ходими томонидан тўлдирилади.*

*Имзо    ФИО  
(раҳбарнинг)*

*Юридик шахснинг муҳр изи (раҳбарнинг)*

*Ушбу аризада келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлайман.*

*Ушбу аризада нотўғри маълумотлар киритилганлиги учун жавобгарликка тортилишим ҳақида огоҳлантирилдим.*

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган савдо майдончаларининг  
моддий техник жиҳатдан мувофиқлиги қўйиладиган  
ТАЛАБЛАР\***

1. Ҳар бир ходим учун 6 кв.м. фойдали майдон, лекин камида 15 кв.м.дан иборат умумий фойдали майдондан иборат бино. Бино тоза ва яхши ёритилган бўлиши керак.
2. Ходимлар ва биржа аъзоларининг компьютер техникалари қуйидаги мажбурий компонентлардан иборат бўлиши керак:  
процессор Intel Core2 Duo ва охириги модель ёки техник хусусиятлари бўйича ўрнини босадиган ускуна; оператив хотираси камида 2,0 Gb; принтер.
3. Савдо майдончаси компьютерларнинг тўхталишларсиз ишлашини таъминлаши керак.
4. Биржа томонидан ўрнатилган тартибда биржа савдо тармоғига қадар уланган бўлиши керак.

**\*Ушбу талабларга мувофиқликни филиал директори ва юридик шахснинг раҳбари ўз имзолари ва муҳрлари билан тасдиқлайдилар.**

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган  
савдо майдончаларининг моддий-техник жиҳатдан мувофиқлиги қўйиладиган  
ТАЛАБЛАР\***

Ходимлар ва биржа аъзоларининг компьютер техникалари қуйидаги мажбурий компонентлардан иборат бўлиши керак:  
процессор Intel Core2 Duo ва охириги модель ёки техник хусусиятлари бўйича ўрнини босадиган ускуна; оператив хотираси камида 2,0 Gb; принтер. ташқи алоқа канали (Интернетга чиқиш) тезлиги камида 2 Мб/с.

**\*Ушбу талабларга мувофиқликни юридик шахснинг раҳбари ўз имзоси ва муҳри билан тасдиқлайдилар.**

“ЎзРТХБ” АЖ савдо майдончалари фаолиятини  
ташкил этиш  
тўғрисида  
Низомга 3-сонли илова

